

Ўзбекистон Республикаси қишлоқ ва сув хўжалиги
вазирлиги Ўрмон хўжалиги бош бошқармаси
Манзарали боғдорчиллик ва ўрмон хўжалиги
илмий ишлаб чиқариш Маркази

**Ўзбекистонда ихота (ҳимоя)
ўрмонзорларини барпо қилиш бўйича
ҚўЛЛАНМА**

Тошкент-2007

43.4

10 33821
0

Кейинги йиллари айрим вилоят худудларида тупроқ эрозияси катта хавф туғдирмоқда, кучли шамол ва гармселлар атмосфера қурғоқчилигини вужудга келтириб тупроқда нам сақланишини кескин камайтириб, натижада, қишлоқ хўжалиги экинлари айниқса пахта ҳосил элементлари ёппасига тўкилиб кетиб, тупроқ унумдорлиги пасайиши сезилмоқда. Бундай салбий холатлар қишлоқ хўжалик экинларига жуда катта зарап етказади.

Эрозия таъсирида Республикада ҳар йили 22 млн. тонна энг унумдор тупроқ устки қатламини йўқотади. Айниқса гармсел, афон шамолидан Сурхондарё вилояти туманлари бошқа худудларга нисбатан бу табиий оғатдан сурункали равишда катта зарап кўрмоқда. Ушбу салбий ҳолатларини ҳолатини бартараф қилишнинг бирдан бир йўли кўп қаторли ихота ўрмонларни барпо этишdir кучли шамоллар Республикамиз қишлоқ хўжалик экин майдонининг 80-85 фоизга зарап етказади. Қишлоқ хўжалигига яроқли майдонларнинг 80 фоизи турли турдаги эрозиялар таъсиридан заарлланган.

Ихота ўрмонзорлар барпо қилинган майдонларда, очик майдонларга нисбатан ёз ойларида ҳаво намлиги 3-20% кўп ва ҳаво ҳарорати -1-5 градусга паст бўлади. Эрта баҳор ойларида ер устки ҳаво ҳарорати тупроқ қатлами +1+4 градусга юқори бўлади.

Ихота ўрмонларини барпо этиш натижасида сугориладиган майдонларга, лалмикор ерларга ва ўтлоқларга салбий таъсир кўрсатадиган кучли ва иссиқ шамолнинг заарли таъсирини батамом бартараф этиб ёки камайтириб, микроқлим шароитини кескин суръатда яхшилайди, пахта ва бошқа қишлоқ хўжалик экинларида барқарор ҳосил шаклланиши учун қулай

2007/65

Alisher Navciy
nomidagi
O'zbekiston M

A5778

шароит яратади, тупроқни шамол ва сув эрозиясидан, ирригация сув тармоқларини ҳамда бошқа объектларни құм босищдан, чүқмалар түпланишидан сақтайди. Чүл зонасида дарахт ўтқазиш табдирлари күчма құмларни мустақамлайды, ихота ўрмонзорлар қишлоқ хұжалиги экинларини иссиқ гармсөл шамолларидан 20-40% гача, айрим холларда 60% гача, сақтайди.

Лалми ер майдонларыда ғалла ҳосилдорлигини 17 % га, суғориладиган ер майдонларыда 13 % гача, пахта ҳосилдорлигини эса 20 % гача күпайтиради.

Шунингдек ихота ўрмонзорлар автомобиль ва темир йүлларни құм ва қор босищдан сақтайди.

Ихота дарахтзорларини барпо қилиш тартиби

Ихота дарахтлари түғри бурчакли катак сифатида жойлаштирилади. Түғри бурчакнинг узун томони йўналишига жойлашган ихота дарахтларини **асосий**, калта ёки қисқа томондагиси эса **қўшимча (ёрдамчи) – ихотазорлар деб аталади**. Асосий ихота қаторларини асосан кучли шамоллар, гармселлар йўналишига тик, ёрдамчиларини эса қаторга кўндаланг равиша барпо этилади.

Хўжаликлараро суғориш коллекторлари ҳамда оқава сув тармоқлари атрофида лойиҳалаштирилган ихота дарахтларини асосан, каналларнинг бир томонига жойлаштирилиш кўзда тутилади, чунки, шундай қилинганда камроқ ер ажратилиб, каналларни тозалаш ва таъмирлаш ишларини механизмлар асосида олиб бориш имконияти сакланади.

Каналлар ва йўллар бўйидаги дарахтлар шу объектларга кўпроқ соя бериши учун мўлжалланган.

Боғлар ва узумзорлар атрофига ихота дарахтлари

асосан, қатор оралығында баробар бўлган оралық масофада экилади. Асосий ва ёрдамчи ихота қаторлари орасидаги масофа шамолнинг тезлиги ҳамда йўллар ва сугориш тармоқлари билан боғлиқ равища жойлаштирилади.

Дараҳт ва бута турларини танлаш ва жойлаштириш

Суфориладиган ва лалмикор ерларда ихота дараҳтлари барпо этишда, схемаларни тузишда ҳар бир дараҳт турининг биологик хусусияти, иклим шароити ва уларнинг баландлиги ва дараҳт тузилиши эътиборга олинади.

Ихота дараҳтларини барпо қилиш учун лойиҳалар тузиш ва уларни ўстиришда асосий эътибор дараҳт турлари конструкциясини (тузилишини) танлаб олишга қаратилган бўлиши керак.

Ихота дараҳтлари асосан суфориладиган ерларда тез ўсар, кўп йил яшайдиган ва чидамли дараҳт турларидан барпо этилади. Булар жумласига асосан эман, оқ терак, мирза терак, оқ акация, толлар. Пенсильвания ва яшил шумтоли, қайрағоч, қирим ва эльдор қарағайлари, чинор ва япон софораси кабилар киради. Буталардан асосан аморфа, бирючина, наъматак, смородина, қумлик ерларда эса саксовул, юлғун каби буталар кенгроқ қўлланилади. Шўрҳоқ тупроқларда (ер ости сувлари 1-2 м чуқурликка жойлашган) туз таъсирига чидамли қайрағоч ва кўк тераклар, оқ акация, жийда, гледичия, дараҳтсимон шумтол каби дараҳтлар экилади. (1 жадвал)

Дараҳтларнинг ихота дараҳтзорлардаги таркиби ва жойлашиши билан уларнинг биологик чидамлилиги, умри ва мелиоратив фойдасини аниқланади. Дараҳтлар асосий ва ёрдамчи турларга бўлинади. Асосий дараҳт

турларига дараҳтзорларда юқори қатлам ҳосил қилиб, бош қўриқловчи ролни бажарадиган, ўсишига ёрдам берувчи, ҳамда сояликда бемалол ўса оладиган дараҳтлар киради. Буталар эса тупроқни ювилиб кетишидан қўриқловчи ўсимликлар ҳисобланади.

Ихота дараҳтларини асосан, аралашма тарзда экилади. Аммо асосий ва қўшимча дараҳт қаторлари тақрорланса, бундай дараҳтзорлар яхши мелиоратив таъсир кўрсатиш хусусиятига эга бўлади. Айниқса, оқ акация, кўк терак, ҳар хил шумтоллар, айлант ва бошқа илдизидан кўпайиб кетадиган дараҳт турларини канал ва далаларга энг четки қаторларга экиш ман қилинади. Чунки улар вегетатив кўпайиш хусусиятига эга. Канал ва йўл четларига асосий ҳамда ёрдамчи дараҳтлар экилади. Аммо энг четки қаторларига кўрсатилган обьектларни ҳар хил заарарли ўтлардан, қум босишидан сақлаш учун ҳар хил буталар экиш тавсия этилади. Боғларни сақлаш учун яратилган дараҳтзорларда асосан, баланд бўйли, пирамида шаклида ўсадиган дараҳтлар тавсия этилади.

Ихота ўрмонарни яратиш бўйича

ТЕХНОЛОГИК КАРТА

Рельеф	Шароит тини	Тудроқ	Экин усули	Қатор оралиги, м	Қатор даражат оралиги, м	Экиладиган жой сони, доня	Кайта экиш туладириш фонд
текислик			Кычкат экиш	3	3	1100	33,0

№	Ишлар номи	Учлон бирл.	Иш бажарилган иккчи	Ишланишга, шашни техника	
				Машини маркази	Тиркиме мес маркази
1	2	3	4	5	6
1	Ер ҳайдаш ва борожаляш	га	февраль, март	ДТ-75	ПН-4-35 БЭ
2	Эзни жойдарни аниқлаш ва чукур казиш ($0,6 \times 0,6 \times 0,7$)	га	февраль, март	қўлда	
3	Кўчатларни калиб олиш (2 бини)	га	февраль, март	қўлда	
4	Кўчатларни бир жойга жамлантиш	га	февраль, март	қўлда	
5	Кўчатларни саралаб, ажраттиб 25 донадан килиб боғлаш	дона	февраль, март	қўлда	
6	Кўчатларни ортига ва тутумдириш	дона	февраль, март	қўлда	
7	Кўчатларни тавшиш	дона	февраль, март	«Беларусъя» прицеп	
8	Кўчатни вактинга кўсмиди кўйиш	дона	февраль, март	қўлда	
9	Кўчат нализига тез ўстирувати мола билан тасъир этиш (натрий гуминати)	дона	март	қўлда	
10	Экинши (чукургча $0,6 \times 0,6 \times 0,7$)	дона	март, апрел	қўлди	
11	Қатор оралигини юмшатиш 3 марта	га	апрел, май, июн	қўлда	
12	Қатор оралигини кузга тайдаш	га	сентябр, октябр	Т-75	ПН-7-35

Ижиниччи, учничи ва кейинни йиллар

Ишлар

1	Бахорда ерни дайдаш	га	февраль, март	Т-75	ПН-4-35
2	Қатор оралигини культиватор билан ишламишти	га	апрел, май	«Беларус»	КОТ-3
3	Дарахт ораларни юмшатиш ва ўташ	м ²	апрел- май Май-июн	қўлда	
4	Кўчат тутмаган жойларни тулдириш	дона 30 фонд	февраль, март	қўлда	
5	Минерал ўйиг бериш (КРК) 2-3-4 ёшвард	м ²	февраль, март	қўлда	
6	Структурни ахшиловчи модалалар билан кўчат атрофими ишлари К-25; К-27/1; САГ-1 ва б.				
7	Дарахтга шакл бериш 3 еони ва ўндан кейин	дона	сентябр, октябр, февраль	қўлда	

Дала ихота (химия) даражтозорлари барында түкшүүчүн тақдым қилингандардат вә бүтәнлөр түрлери.

№	Дараектине бүтәнлөрдөн иштөн	Түздөнүштөрүлүштөр		Түздөнүштөрүлүштөр		Түздөнүштөрүлүштөр		Түздөнүштөрүлүштөр		Яхши сүйүк үтказадиган шүрдөнгөн лөсө кулранг түпроқлар	
		Бүлгелүүлүштөр	Бүлгелүүлүштөр	Бүлгелүүлүштөр	Бүлгелүүлүштөр	Бүлгелүүлүштөр	Бүлгелүүлүштөр	Бүлгелүүлүштөр	Бүлгелүүлүштөр	Бүлгелүүлүштөр	Бүлгелүүлүштөр
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12
1	Дараектары										
1	Оқ акация	+	+	+	+	+	+	+	+	+	+
2	Кириагоч	+	*	+	+	+	+	+	+	+	+
3	Одий тикки даражти (гладичия)	+	*	+	+	+	+	*	+	+	+
4	Эмая	-	-	-	-	+	-	-	-	-	+
5	Тотлар	+	-	+	-	+	+	+	+	+	-
6	Катальпа	-	-	+	-	+	-	+	-	+	-
7	Зарангы	-	-	+	-	+	-	+	-	+	-
8	Нон жыйда	+	+	+	+	+	+	+	+	+	+
9	Иничка барлык жыйда	+	+	+	+	+	+	+	+	+	+
10	Маклюра	+	+	+	+	+	+	+	+	+	+
11	Виргин арчасы	-	-	+	+	+	+	+	+	+	+
12	Коре ёңкөд	-	-	+	+	+	+	+	+	+	+
13	Япон түхүмүгү	-	-	+	+	+	+	+	+	+	+
14	Оқ терек	+	-	+	-	+	-	+	-	+	-
15	Коре терек	+	-	+	-	+	-	+	-	+	-
16	Мирзатерек	+	-	+	-	+	-	+	-	+	-
17	Бархат шумтол	+	+	+	+	+	+	+	+	+	+
18	Яшыл шумтол	+	+	+	+	+	+	+	+	+	+
19	Одий шумтол	+	+	+	+	+	+	+	+	+	+
Бүтәнлөр											
1	Юлгүн (тамарис)	-	-	+	+	+	-	+	+	+	-
2	Бирючинча	+	-	+	+	+	+	+	+	+	-
4	Нымматек	+	-	+	+	+	+	+	+	+	+
5	Аморфа	+	+	+	+	+	+	+	+	+	+

Шартты белгилөр: + долямий равишда сутогиши билан таъминланган;
- долямий равишда сутогиши билан таъминланмаган.

Ихота (ҳимоя) дарахтзорларининг тузилиши ва қенглиги

Ихота дарахтзорларини барпо этишдан олдин асосан, уларнинг тузилиши (конструкцияси), дарахт ва буталарнинг турлари, уларнинг жойлашиши, қаторларнинг сони ҳамда кўчат экиш ўрнини белгилаб олиш керак. Шамол эсишининг кучланишига қараб ҳар бир ҳудудда ихота дарахтлари тузилиши ва қалинлиги (қатор сони) белгиланади.

Шунинг учун барпо этиладиган ихота ўрмонларни таркибига мажбурий холатда шамол келиб биринчи уриладиган “девор”лар зич ҳолатда 1 ва 2 чи қатламли буталар ва ёрдамчи қаторларга бўйи паст дарахтлар экиласди. Навбатдаги қаторларга эса баланд бўйли, йирик, кўп йиллик дарахт турларидан экиласди.

	Дарахт ва бута турлари	Худудлар бўйича			
		Водний	Ярим чўл	Чўл	Сахра
1	<i>Бўйи паст, бағадлиги 2м. буталар:</i>				
	<i>Смерендик</i>	+	+	+	+
	<i>Нізматик</i>	+	+	+	+
	<i>Бирючинка</i>	+	+	-	-
2	<i>Будай юғары биланышли 2м. ошиқ буталар:</i>				
	<i>Олича</i>	-	-	+	+
	<i>Сарик акация</i>	+	+	+	+
	<i>Тоз</i>	+	+	-	-
	<i>Камхастон олича(шоголения)</i>	-	-	+	+
	<i>Облепиха</i>	+	+	+	+
	<i>Тамарис(юлғун)</i>	-	-	-	+
	<i>Татар зарянчи (клён полевой)</i>	+	+	+	+
3	<i>Паст бўйли дарахтлар:</i>				
	<i>Үргик (Евоний)</i>	+	+	+	+
	<i>Қайроғот</i>	+	+	+	+
	<i>Дала зарянчи (клён полевой)</i>	+	+	+	+
	<i>Шумполсизон зарянчи</i>	+	+	+	+
	<i>Тут</i>	+	+	+	+
	<i>Софиря (япон тухумчиги)</i>	+	+	+	+
	<i>Катильца</i>	+	+	+	-

	Оддий тикан даражаты (гладичина)	+	+	+	-
	Маклюра	+	+	+	-
	ЖиЙда (ингичка биртли)	+	+	+	-
4	<i>Катта ва биганд даражаттар</i>				
	Эльдір қарғайын	+	+	+	-
	Чинор	+	+	+	-
	Күк терек	+	+	+	-
	Қоға терек	+	+	+	-
	Мирим терек	+	+	+	-
	Ясени(обыкновенный)	+	+	+	-
	Эмим (дуб)	+	+	+	-

Кучли шамол эсадиган туманларда ихота даражатлар қаторлари қуйидагида бўлиши керак: асосий даражатзорлар, яъни шамол таъсирига биринчи тўсиқ 4 қаторли, кейинги даражатлар 3 қаторли ва ёрдамчи даражатзорлар эса 2 қатор. Шамол кучи ўрта бўлган туманларда асосий ихота даражатзорлари қаторларининг сони 3 қаторли, ёрдамчилариники эса 2 қаторли бўлиши тавсия қилинади.

Кучли шамол ва гармселлар таъсирида бўлмаган туманларда асосан суфориш иншоатлари ва йўллар четларига 1-2 қаторли ихота даражатзорлари экиласди. Барпо этиладиган даражатзорлар кенглиги 5-10 м, бир қаторлиларнинг оралиғи эса 2.0 м. Боғ ва узумзорларни сақловчи ихота даражатзорлар, улар чегараларига жойлашган бўлиб 3 қаторли, кварталлар четида жойланадиган бўлса 2 қаторли этиб экиласди. Катта магистрал каналлар ва коллекторлар четига 5 қаторли даражатзорлар бунёд этиш тавсия этиласди. Хўжаликлараро ёки кичик магистрал каналларни муҳофаза қилиш учун 3 қаторли даражатзорлар тавсия этиласди. Албатта, улар каналларнинг бир томондагина экиласди.

Автомобиль ва темир йўллари жойлашган худудларда тупроқ ва иқлим шароитларни инобатга олиб, чеккаларида асосан, 1-2 ва ундан кўп қаторли

дарахтзорлар барпо қилинади. Ўтказиладиган дараҳт қаторлари орасидаги масофа 2,5-5,0 метр, ва чўл худудларида ундан ҳам кўп бўлиши мумкин. Дараҳт кўчатлари асосан, қаторларда 1,5-2,0 м масофада экиласди. Бута кўчатлар оралигини ҳам 0,5-1,5 м, га тенг қилиб экиш тавсия этиласди. (Автомобиль ва темир йўлларининг четига экиласдиган дараҳтларни экиш схемалари 1-схемада илова қилинади).

Бир қаторли ихота дараҳтлари йўллар ва каналлар четига экиласдиган бўлса, улар ҳар 2,0 м да жойлаштирилади.

Биринчи қаторга экиласдиган буталарни ёппасига касал бўлишини олдини олиш мақсадида, экиш жойларини шароитга қараб бошқа турдаги буталар билан аралаштириб экиш зарур.

Ёрдамчи ва асосий ҳимоя қилиш вазифасини бажарувчи бир майдондаги дараҳтлар фақат бир турдаги дараҳтлар билан қаторлаб экиласди. Сийрак ихоталарни қатор оралигини тўлдириш ва табиий оғат ва бошқа сабабларга асосан нобуд бўлган дараҳтларни алмаштиришда, фақат шу дараҳт турлари билан алмаштирилади. Қаторлараро бошқа дараҳт турлари билан алмаштириш ман этиласди.

Ихота ўрмонзорлар барпо этиш учун ажратилган майдонлар улар жойлашган майдонда мавжуд бўлган табиий ёки сунъий баландликлардан пастда бўлса, шу ҳолатни инобатга олиб, 1-2 қатор орасига экиласдиган буталарнинг экиш заруриятий йўқ. Ихота ўрмонзорлар барпо этиш учун ажратилаётган ер майдонларида боғлар, узумзорлар ёки аҳоли яшаш масканлари мавжуд бўлса ушбу ҳолатни инобатга олиб, ихота вазифасини кўчайтириш мақсадида меъёр билан белгиланган ихотазор қаторлар сони кўпайтирилади ёки камайтирилади.

Ихота (ҳимоя) ўрмонзорларни барпо қилиш агротехник тадбирлари

Ихота дараҳтларини ўстириш қишлоқ хўжалиги учун далаларни ўзлаштириш билан бирга олиб борилади. Тупроқ асосан 35-40 см чуқурликда кузда шудгор қилинади. Ер ости сувлари яқин ва шағал жойларда, ерни ҳайдаш ишлари уларнинг жойлашган чуқурликларигача амалга оширилади.

Ерни шудгорлашнинг асосий даври (вақти) 15 декабргача ёки ноябрнинг бошларидан бошланади (жанубий туманларда). Кузги шудгорлаш учун икки ярусли ПД-4-35 ёки ПЛН-40 каби плуглар билан 35-40 см чуқурликкача ҳайдалади. Бедапоялар, кўп йиллик ўтлар банд бўлган майдонларни ҳайдашда икки корпусли плугта плуголди мосламасини 5-6 см чуқурликка қўйилади.

Ерларни сифатли шудгор қилиш учун аввало далани ўсимлик қолдикларидан тозалаш керак. Ёнингарчилик миқдори кам бўлган туманларда кўчат экишдан олдин далаларга албатта нам суви бериш керак. Енгил тупроқларда суфориш меъёри 1000-1200 куб м/га, ўртачаларида – 1200-1500 ва оғир тупроқларда 1500-2000 куб м/га ташкил қиласи.

Шўр ерларда аввало, албатта, шўр ювиш ишларини олиб бориш керак. Кам шўрланган ерларни ювиш нормаси 1500-2000 ўртача шўрланганда 2500-3000 ва юқори шўрланганда 3500-6000 куб м. гектарга тенг. Экиладиган дараҳт ва бута кўчатлари стандарт ҳолатига эга бўлиши лозим. Терак ва тол дараҳтларини қаламчалардан (новдасидан) ҳам экиш мумкин. Экиладиган кўчатларни яхши кўкаришини таъминлаш учун уларни экишдан бироз аввал ниҳолхоналардан ковлаб олиш керак. Ковланган кўчатларнинг илдизи эса 30-35 см дан кам бўлмаслиги лозим.


Экиладиган жойларга транспортда олиб борилганда уларнинг илдизлари албатта ўралган бўлиши керак.

Вегетация даврида тупроқ ва иклим шароитини эътиборга олинган ҳолда, шимолий туманларда 7-8, жанубда 10-12 маротаба суфорилади. Тошлоқ жойларда ва янги ўзлаштирилган ерларда суфориш сони анчагина кўпаяди ва 10-12 маротабага етади. Июн ва июл ойларида кўпроқ суфориш талаб қилинади. Оғир тупроқ шароитида суфориш меъёри 800-900 куб м/га, енгил тупроқ шароитида 600-700 куб м/га, ер ости сувлари юқори бўлган жойларда суфориш нормаси 400-500 куб м/га камаяди. Экилган кўчатларга сув бериш билан биргаликда тупроқни юмшатиш ишлари олиб борилади.


Экилган кўчатларнинг таги биринчи йили - 5, иккинчи йили - 4, учинчисида - 3, тўртинчи-бешинчи йиллари – 1 маротаба юмшатилади. Юмшатиш чуқурлиги биринчи йили 12-15 см, кейинчалик 8-10 см ни ташкил қиласади.

Канал четларида экилган кўчатлар тўлиқ сақланишини таъминлаш учун уларни чуқур ариқларда экиш тавсия этилади.

**Темир йўл ва автомобиль йўллари бўйлаб 30 м кенгликда
химоя (иҳота) ўрмонзорларини барпо этиш
СХЕМАСИ**




**Темир йўл ва автомобиль йўллари бўйлаб 20 м кенгликда
химоя (ихота) ўрмонларини барпо этиш
СХЕМАСИ**



**Темир йўл ва автомобиль йўллари бўйлаб 10 м кенгликда
химоя (иҳота) ўрмонларини барпо этиш
СХЕМАСИ**

51



Техник мұхаррир
Мусақхан
Компьютерда сақыфаловчи

Е.ДЕМЧЕНКО
М.ҚУТЛИЕВА
Д.АБДУЛЛАЕВ

“El-Press” МЧЖда босилди.
Босиши 19.10.2007 й. рухсат этилди. Бичими 84x108 1/32.
Босма тобоги 1,0.
Адади 450 нұсха. Буюртма №65